

УЎТ: 633.:631.559

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ОС ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ  
ШАРОИТИДА АНДИЖОН-35 ВА ЎЗПИТИ-201 ҒЎЗА НАВЛАРИНИ КЎЧАТ  
ҚАЛИНЛИГИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЧИЛПИШ ЎТКАЗИШНИНГ ПАХТА  
ҲОСИЛИГА ВА ЧИГИТ МОЙДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**Комилов Рустамжон Махамадович**

*қ.х.ф.д (PhD), доцент*

**Рахимов Мадаминжон Алижонович**

*қ.х.ф.н, доцент*

**Хайдаров Мавлонбек Машрабович**

*б.ф.ф.д (PhD), доцент*

*Фарғона Давлат Университети*

*Email: komilovrustamjon48@mail.com*

**Аннотация:** Ҳар хил кўчат қалинлик етишириладиган “Андижон-35” ва “ЎзПИТИ-201” ғўза навларининг униб чиқиши вақтига қараб ҳосилдорликка таъсири қайд этилди.

**Аннотация:** Отмечено влияние сортов хлопчатника Андижан-35 и УзПИТИ-201, выращенных при разнойтолщине всходов, на урожайность в зависимости от сроков прорастания.

**Abstract:** The influence of cotton varieties Andijan-35 and UzPITI-201, grown at different seedling thicknesses, on the yield depending on the timing of germination was noted.

**Таянч иборалар;** Ғўза ўсимлиги, турғунлик, ғўза, ҳосилдорлик, Андижон-35, ЎзПИТИ-201 ғўза навлари.

**Ключевые слова:** Хлопчатник, густота стояния, коробочка, урожайность, чеканка, Андижан-35, УзПИТИ-201 сорта хлопчатника.

**Key words:** Cotton plant, stagnation, cotton, productivity, zara, Andijan-35, UzPITI-201 cotton varieties.

Республикамида пахтацилик соҳасига янада эътибор кўчайтирилиб, янги тезпишар ғўза навларини яратиш ва уларнинг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиши бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Яратилган ҳар бир ғўза навининг морфологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ғўзани парваришлишдаги агротадбирларидан мақбул кўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларини тўғри белгиланиши натижасида юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади [1,4].

Маълумки, ҳар қандай етиширилаётган экинларнинг асоси юқори ҳосил олиш ҳисобланса, унда бажариладиган ҳар бир агротехник тадбирларнинг асосий вазифаси ҳосилдорликни оширишга ва ундаги сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган

бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ғўзани парваришилашда кўчат қалинлиги яъни яганалаш ва чилпиш агротадбирлари инсон томонидан бажарилиб, улар ўз муддатида олиб борилганда кутиладиган ҳосилдан ортиқроқ ҳосил олишга эришиш мумкин.

Айниқса, янги районлашган ва истиқболли ғўза навларида тупроқ иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда мақбул агротехник тадбирлари ишлаб чиқилмаган бўлиб, мақбул чилпиш муддатлари ушбу янги ғўза навларида тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ. Шу нуқтаи-назардан изланишларда районлашган ва истиқболли ғўза навларида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпиш агротадбирларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди [2, 3].

#### 1-жадвал

Андижон-35 ғўза навида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг пахта ҳосилига таъсири, 2019 йил.

№	Варинтлар номи	қайтариқлар			Ўртача ҳосил	Назоратдан фарқи
		I	II	III		
<b>80-90 минг кўчат қалинлиги</b>						
1	11-12 ҳосил шохда	38,1	37,9	37,8	37,9	0,9
2	13-14 ҳосил шохда	38,1	38,2	39,0	38,4	1,4
3	15-16 ҳосил шохда	40,0	39,2	39,3	39,5	2,5
4	Чилпилмаганда	36,8	37,1	37,0	37,0	
<b>100-110 минг кўчат қалинлиги</b>						
5	11-12 ҳосил шохда	39,1	39,3	39,1	39,2	3,9
6	13-14 ҳосил шохда	40,6	41,3	40,2	40,7	5,4
7	15-16 ҳосил шохда	38,3	38,8	38,0	38,4	3,1
8	Чилпилмаганда	35,3	34,9	35,7	35,3	
<b>120-130 минг кўчат қалинлиги</b>						
9	11-12 ҳосил шохда	38,3	39,1	37,8	38,4	3,1
10	13-14 ҳосил шохда	39,2	38,5	39,0	38,9	3,6
11	15-16 ҳосил шохда	37,3	36,9	37,0	37,1	1,8
12	Чилпилмаганда	34,8	35,0	36,1	35,3	

$$HCP_{05}=0,43; Sx=2,0\%$$

Ушбу кўчат қалинлигига энг юқори ҳосилдорлик чилпиш 13-14 ҳосил шохидага ўтказилган вариантдан олиниб, 38,9 ц/га ни ташкил этганлиги ва бу назоратга нисбатан 3,6 ц/га юқори бўлганлиги билан ажралиб тўрди.

#### 2-жадвал

ЎзПИТИ-201 ғўза навида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг пахта ҳосилига таъсири, 2019 йил.

№	Варинтлар номи	қайтариклар			Үртача хосил	Назоратдан фарки
		I	II	III		
<b>80-90 минг кўчат қалинлиги</b>						
1	11-12 хосил шоҳда	38,5	38,4	38,0	38,3	1,1
2	13-14 хосил шоҳда	40,2	40,5	39,5	40,1	2,9
3	15-16 хосил шоҳда	41,1	40,7	41,1	41,0	3,8
4	Чилпилмаганда	37,2	37	37,5	37,2	
<b>100-110 минг кўчат қалинлиги</b>						
5	11-12 хосил шоҳда	39,2	39,1	39,5	39,3	3,4
6	13-14 хосил шоҳда	41,9	41,2	41,5	41,5	5,6
7	15-16 хосил шоҳда	38,0	38,4	38,1	38,2	2,3
8	Чилпилмаганда	36,2	35,9	35,7	35,9	
<b>120-130 минг кўчат қалинлиги</b>						
9	11-12 хосил шоҳда	39,3	40,1	38,3	39,2	3,7
10	13-14 хосил шоҳда	39,2	38,5	38,5	38,7	3,2
11	15-16 хосил шоҳда	37,3	38,9	38,0	38,1	2,6
12	Чилпилмаганда	35,1	35,8	35,5	35,5	

$$HCP_{05}=0,54; Sx=2,6\%$$

Андижон вилояти шароитида 2019-йилда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Андижон-35 ғўза навини парваришилаб, кўчат 80-90 минг туп/га қолдирилган фонда энг юқори хосилдорлик 15-16 хосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантдан 39,5 ц/га хосил олиниб, чилпилмаган вариантга нисбатан 2,5 ц/га қўшимча хосил олинган бўлса, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда 13-14 хосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантдан 40,7 ц/га хосил олиниди ва назорага нисбатан 5,4 ц/га ошганлиги маълум бўлди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган вариантда чилпиш 11-12 хосил шоҳида ўтказилган вариантдан 38,4 ц/га хосил олинганлиги ва бу назоратдан 3,1 ц/га ошганлиги маълум бўлди (1-жадвал).

ЎзПИТИ-201 ғўза навида кўчат 80-90 минг туп/га қолдирилиб, парваришиланган фонда энг юқори хосилдорлик 15-16 хосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантда 41,0 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 3,8 ц/га қўшимча хосил олинган бўлса, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда 13-14 хосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантдан 41,5 ц/га олиниди ва чилпиш ўтказилмаган вариантига нисбатан 5,6 ц/га қўшимча хосил олинганилиги аниқланди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган вариантда чилпиш 11-12 хосил шоҳида ўтказилган вариантдан 39,2 ц/га хосил олинганлиги ва бу назорат вариантига нисбатан 3,7 ц/га кўп бўлганли кузатилди (2-жадвал).

Ғўза навлари ичida ЎзПИТИ-201 ғўза навини 100-110 минг туп/га қолдириб, 13-14 хосил шоҳида чилпиш ўтказилганда энг юқори хосилдорлик олингани билан жаралиб тўрди ва Андижон-35 ғўза навига нисбатан ушбу вариантда 0,8 ц/га юқори бўлганлиги кузатилди.

Биламизки уруғлар ўсимликларнинг ҳаёти давомидаги бошланиши ва якунланиши ҳисобланади. Уруғлар ҳар қандай ноқулай шароитга бардошли бўлиб, эмбрионларнинг ривожланиши учун озиқа ва физиологик фаол моддаларни захирада ушлаб туради. А.М.Гродзинскийнинг маълумотларида ўсимликда физиологик жараёнларнинг ўзгариши, чигитнинг шаклланишига ҳам таъсир этиши кузатилган.

Чилпиш ғўза кўсакларининг пишиб етилишини тезлаштириб, физиологик жараёнларни фаоллашишига олиб келади [1].

Тадқиқотларда (2018-2020 йй) турли қўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда чигитнинг кимёвий таркиби ва сифат кўрсаткичлари таъсири ўрганилди. Бунда Андижон-35 ғўза нави қўчати сийрак қолдирилган майдонларда, яъни 80-90 минг туп/га қолдирилган фонда 11-12 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган вариантда чигит ядросида (мағзидаги) мой миқдори 44,3% ни, чигитдаги мой миқдори 20,8% ни ва ядро чиқими 53,0% ни ташкил этган бўлса, 13-14 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 45,1; 21,5; 53,9% ни ташкил этди. Бу фонда чигит мойдорлиги чилпиш 15-16 ҳосил шохда ўтказилган вариантда энг юқори бўлганлиги маълум бўлди ва назоратга нисбатан ядродаги мой миқдори 1,9% га, чигитдаги мой миқдори 1,4% га, ядро чиқими 1,4% га юқори бўлганлиги кузатилди. Бу натижалар бевосита чилпишнинг мақбул муддатда ўтказилганлигини кўрсатади.

Кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда чигит мойдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар чилпиш 13-14 ҳосил шохда ўтказилган вариантда кузатилди ва ядродаги мой миқдори 45,5% ни, чигитдаги мой миқдори 21,7% ни, ядро чиқими 53,7% ни ташкил этганлиги кузатилди. Бу кўрсаткичлар чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан мос равишда 2,3; 2,0; ва 1,4% га кўп демакдир. Чилпиш 11-12 ва 15-16 ҳосил шохда ўтказилган вариантларда ҳам чигит мойдорлиги чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан бироз яхшиланганлиги ва мутаносиб равишда бу 44,2-44,0%, 20,3-20,8, 52,5-52,8% ни ташкил этганлиги аниқланди.

### 3-жадвал

Андижон-35 ғўза навини турли қўчат қалинлигига парваришланганда  
чилпишнинг чигит мойдорлигига таъсири, 2018-2020 йй.

М №	Кўчат қалинликлари	Чилпиш варианлари	Ядродаги мой миқдори, %	Чигитдаги мой миқдори, %
1	80-90 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	44,3	20,8
2		13-14 ҳосил шох	45,1	21,5
3		15-16 ҳосил шох	45,9	21,9
4		Чилпишмаган	44,0	20,5
5	100-110 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	44,2	20,3
6		13-14 ҳосил шох	45,5	21,7
7		15-16 ҳосил шох	44,0	20,8
8		Чилпишмаган	43,2	19,7
9	120-130 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	44,2	20,5
10		13-14 ҳосил шох	44,9	20,6
11		15-16 ҳосил шох	44,7	19,9
12		Чилпишмаган	43,9	19,4

Кўчат қалинлигин кўпроқ қолдирилган яъни 120-130 минг туп/га қолдирилб парваришланган фонда чилпиш 11-12 ҳосил шохда ўтказилиши эвазига чигит ядросидаги мой миқдори 44,2% га, чигитдаги мой миқдори 20,5% га ва ядро чиқими 53,3% га тенг бўлган бўлса, 13-14 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 44,9; 20,6; 52,9% ни ташкил этди. Ушбу фонда

чилпиш 15-16 ҳосил шохида ўтказилганда чилпиш ўтказилмаган вариантга яқин бўлганлиги аниқланиб, чигит ядродаги мой миқдори 44,7% ни, чигитдаги мой миқдори 19,9% ни ва ядро чиқими 52,5% ни ташкил этди.

#### 4-жадвал

**ЎзПИТИ-201 ғўза навини турли кўчат қалинлигига парваришланганда чилпишнинг чигит мойдорлигига таъсири, 2018-2020 йй**

№	Кўчат қалинликлари	Чилпиш вариантлари	Ядродаги мой миқдори, %	Чигитдаги мой миқдори, %
1	80-90 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	45,4	21,0
2		13-14 ҳосил шох	46,2	21,2
3		15-16 ҳосил шох	46,8	21,8
4		Чилпишмаган	45,2	20,3
5	100-110 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	44,9	22,1
6		13-14 ҳосил шох	45,6	22,5
7		15-16 ҳосил шох	46,1	22,1
8		Чилпишмаган	44,9	20,9
9	120-130 минг туп/га	11-12 ҳосил шох	45,2	20,9
10		13-14 ҳосил шох	44,9	20,6
11		15-16 ҳосил шох	44,7	20,7
12		Чилпишмаган	43,9	20,4

Шунингдек, тажрибада ўрта толали ЎзПИТИ-201 ғўза навида ҳам турли кўчат қалинлигига боғлиқ равища чилпишнинг чигит мойдорлигига таъсири аниқланган бўлиб, бунга кўра кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилган майдонда энг қуори кўрсаткичлар чилпиш 15-16 ҳосил шохида ўтказилган вариантдан олинган бўлиб, ядродаги мой миқдори 46,8% ни, чигитдаги мой миқдори 21,8% ни, ядро чиқими 53,9% ни ташкил этганлиги кузатилди.

Ушбу ғўза навида кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдирилиб парваришланган фонда чипиш 11-12 ҳосил шохида олиборилган вариантда ядродаги мой миқдори 44,9% ни, чигитдаги мой миқдори 22,1% ни, ядро чиқими 54,6% ни ташкил этган бўлса, ушбу фонда энг юқори кўрсаткичлар чилпиш 13- ҳосил шохида ўтказилган вариантдан олиниб мос равища 45,6; 22,5; ва 55,1% га тенг бўлди. Чилпиш 15-16 ҳосил шохида ўтказилган вариантда назоратга нисбатан ядродаги мой миқдори 1,2% га, чигитдаги мой миқдори 1,2% га, ядро чиқими 0,1% га ортганлиги аниқланди.

ЎзПИТИ-201 ғўза навини 120-130 минг туп/га кўчат қолдириб парваришланган фонда чилпишни 11-12 ҳосил шохида ўтказилган вариантда юқори натижаларга эришилиб, ядродаги мой миқдори 45,2%, чигитдаги мой миқдори 20,9%, ядро чиқими 54,6% бўлганлиги кузатилди. Худди шунингдек 13-14 ҳамда 15-16 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантларда ҳам чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан чигит мойдорлиги яхшиланганлиги ва бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан мос равища 1,0-0,8; 0,2-0,3; 1,1-0,7% ортганлиги маълум бўлди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар иккала ғўза навида кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдириб, 13-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда энг юқори ҳосилдорлик олинган бўлса, Андижон-35 ғўза навини 120-130 минг туп/га кўчат

қолдирилганда 13-14 ҳосил шохда, ЎзПИТИ-201 ғўза навини ушбу кўчат қалинлигига парваришланганда 11-12 ҳосил шохида чилпиш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш мумкинлиги кузатилди. Бу ушбу ғўза навларининг ўзига хос морфобиологик жихатдан фарқланишидан далолат беради.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Атабаева М.С. Ғўздан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда ресурстежамкор таехнологияларни такомиллаштириш: Автореф. дисс. қ.х.ф.ф.д. – Ташкент.: 2019. -20 б.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ. Тошкент, 2007, 147 б.
3. Юлдашев С.Х., Ибрагимов Г.А., Таиров С.М. «Густота и урожайность хлопчатника», Изд-во «Узбекистан», 1977.
4. Назаров М.К. Урожайность хлопчатника в зависимости от густоты стояния и уровня питания на лугово-сероземных почвах Зарафшанской долины». Автореф. канд.дисс. Ташкент, 1990. 23-стр.
5. Юлдашев С.Х., Камалова М.В. Факторы урожайности хлопчатника», изд-во «Фан», Ташкент, 1988.